

Таҳорат қилишда айтиладиган саҳиҳ дуолар

05:00 / 09.01.2017 18902

Айрим манбаларда, жумладан, "Радд ул-муҳтор", "Ибодати исломийа" каби китобларда таҳорат қилишда ҳар бир аъзони ювишда ўқиладиган дуолар зикр қилинган. Айрим масжидларнинг таҳоратхоналарида ушбу хилдаги дуолар ва уларнинг маънолари ёзилганини кўрамиз. Аслида, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан етиб келган кучли ва саҳиҳ ҳадисларда таҳорат олишда тўрттагина дуо калималарини айтиш келтирилган, холос.

1) **بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ** - Бисмиллаҳ, валҳамдулиллаҳ! (Аллоҳ номи ила бошлайман, Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!). Бу Имом Табароний (р.ҳ.)нинг "ал-Мўъжам ал-авсат" асарида саҳоба Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган. Ушбу дуо таҳорат бошланишида айтилади.

2) **مَهْلِكِ الْوَسْوَءِ وَالْوَسْوَءِ الْمَخْرُومِ وَالْوَسْوَءِ الْمَخْرُومِ وَالْوَسْوَءِ الْمَخْرُومِ** - Ашҳаду алла илаҳа илаллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ. Аллоҳумма ижъалний мин ат-таввабийн, важъалний мин ал-мутатоҳҳирийн! (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик келтираман. У шериги йўқ, ягона зотдир. Муҳаммад эса Унинг бандаси ва пайғамбари эканига ҳам гувоҳлик келтираман. Эй, Аллоҳим! Мени тавба қилувчилардан қилгин, мени таҳорат қилувчилардан қилгин!). Бу Имом Муслим (р.ҳ.) ва Имом Термизий (р.ҳ.) томонидан ривоят қилинган. Имом Муслим (р.ҳ.) ривоятида "Аллоҳумма..."дан бошланган дуо қайд қилинмаган, унда фақат шаҳодат калималари келтирилган. Умуман, ушбу дуоларни ҳар бир аъзони ювишда ва таҳорат тугаганидан сўнг ўқилиши керак бўлади.

3) **يٰۤاَللّٰهُمَّ اِنِّىْ اَسْـَٔلُكَ بِرَحْمَتِكَ الَّتِىْ رَزَقْتَ بِهَا كُلَّ شَيْءٍ حَيًّا** - Аллоҳумма иғфирлий занбий ва вассиъ лий фий дорий ва баарик фий ризқий! (Эй, Аллоҳим! Менинг гуноҳимни мағфират қил, ҳовлимда мен учун кенглик қил, ризқимда барака бер!). Бу Имом Насоий (р.ҳ.) ва Ибн ас-Сунний (р.ҳ.) томонларидан ривоят қилинган. Уни аъзоларни ювишда ўқилган.

4) بوتا و كرفغتسأ كل كيرش ال كدحو و تنا ال ال ال كدمحب و مهلل كناحبس
كـيـلـا – Субхонака Аллоҳумма ва би-ҳамдика ла илаҳа илла анта ваҳдака ла шарийка лака астағфирука ва атубу илайка! (Эй, Аллоҳим, Сен пок зотсан! Сенинг ҳамдингни айтаман. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен ягонасан, сенинг шеригинг йўқ! Сенга истиғфор айтаман, сенга тавба қиламан!). Бу Имом Насоий (р.х.) ва ал-Ҳайсамий томонларидан ривоят қилинган. Ушбу дуоларни ҳам аъзолар ювишда ўқиш мумкин.

Юқоридаги таҳоратда ўқиладиган тўртта дуодан ўзга дуоларни ҳам фақиҳлар томонидан айтилган бўлиб, бу борада ҳадиси шарифларни келтирган бўлишлари мумкин. Лекин, уларнинг собит бўлганини Имом Нававий (р.х.) инкор қилади. Аслида, таҳоратда ўқиладиган бошқа дуолар ҳам бўлиб, ҳатто улардан айримларини Ибн Ҳиббон (р.х.) каби муҳаддислар ҳам зикр қилганлар. Имом Суютий (р.х.) фикрича, ушбу заиф ривоятларда келтирилган дуоларни ҳам ўқийвериш керак. Чунки, амалларнинг фазилатлари борасида заиф ҳадисларга ҳам амал қилинишини барча муҳаддислар бир овоздан таъкидлайдилар. Бинобарин, "Радд ул-муҳтор", "Ибодати исломийа" каби китоблардаги таҳорат қилишда ҳар бир аъзони ювишда зикр этилган дуоларни ёдлаб, айтиб юрган авлороқ экан. Айрим масжидларнинг таҳоратхоналарида деворларга ёзиб қўйилган ушбу хилдаги дуолар ва уларнинг маъноларини ҳам ўқиб юрган яхшироқ!

Ҳамидуллоҳ Беруний